

## **БОЛАЛАРДА АУТИЗМ КАСАЛЛИГИ ВА УНИ ДАВОЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ПЕДОГОГИК ЖИҲАТЛАРИ ҲАМДА АУТИСТ ОДАМЛАРГА НИСБАТАН ТОЛЕРАНТ МУНОСАБАТЛАР.**

**Эгамбердиева Нодира Мелибаевна  
Муҳитдинова Дилдора Алишер қизи  
“Оила ва Гендер” илмий-тадқиқот институти**

**Аннотация:** Бугунги кунда аутизм касаллиги дунё бўйлаб кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Қадимда унча номаълум бўлган ва ўрганилмаган бу касаллик охирги йилларда жуда долзарб, чуқур изланишиларга молик бўлган жиҳдий муаммога айланди. Аввалги мақолади аутизм касаллигининг тарихи, келиб чиқши сабаблари, олиб борилган тадқиқотлар, изланишилар натижаси ва даволаши методлари ҳақида фикр юритилган эди. Ушибу мақолада аутизм касаллигининг хусусиятлари, уни даволашда педагогик жараёнлар, хусусан, дунё миқёсида энг самарали деб топилган ABA терапияси ҳақида батофсил тўхтаб ўтилади. Шунингдек аутизм касаллиги ҳақидаги тушунтириши ишлари, одамларнинг муносабатлари, бу муносабатларни маданийлаштириши борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиши, аутист инсонларга нисбатан атрофдагиларнинг муносабатларини толерантлаш масаласи, бу борадаги тавсиялар, даво педагогикаси, мутахассисларни тайёрлаш, даволаши йўллари ва даво терапиясининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари, моддий таъминот масалалари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** болалар аутизми, даво терапияси, ABA терапияси, муносабатлар маданияти, ижтимоий- иқтисодий муносабатлар, ҳиссий алоқа, коммуникатив кўнилмалар, ташхис.

Аутизм, аввало, дунёни идрок этишнинг ақлий хусусиятидир. Бу касаллик асосан ҳаётнинг дастлабки уч йилида ўзини намоён қиласиган, миянинг иш фаолиятига таъсир қилувчи асаб касаллигидир. Аутизмнинг асосий характеристикаси – ижтимоий мослашув, нутқ функцияси ва ақлий ривожланиш билан боғлиқлиkdir. Аутизмнинг сабаби майда синаптик\* бирикмаларнинг камолотига таъсир қилувчи генлар билан чамбарчас боғлиқ. Касалликнинг генетикаси мураккаб ва ҳозирда аутизмнинг пайдо бўлишига кўпроқ нима таъсир қилиши аниқ эмас: кўплаб генларнинг ўзаро таъсирими ёки камдан кам учрайдиган мутацияларми? Нима бўлганида ҳам ота-оналар ўз фарзандларида касаллик алматларини бола ҳаётининг дастлабки уч йилида сезадилар. Бундай болалар кўзга қарамайдилар, атрофдагилар билан контактга киришмайдилар, уларда кучли мушак тонуси – кучланиши бўлади. Лекин, шунга қарамай, касалликнинг дастлабки намоён бўлган вақтидан бошлаб

харакатлар ва когнитив таъсиrlар орқали ёрдам беришни эрта бошлаш болада ўз-ўзига ёрдам бериш қўникмаларини эгаллашда, ижтимоий таъсиr ўtkазиш ва мулоқатда катта ёрдам бериши мумкин.

Болаларда аутизм касаллиги фақат кузатув орқали аниқланади, даволаш асоси эса интенсив равишида бола онгига таъсиr қилиш, такрорлаш, ўргатиш, тушунтириш, сингдириш орқали амалга оширилади. Эрта ташхис қўйиш ва хулқ-атвор терапиясига асосланган малакали ёрдам аутизм билан касалланган боланинг ўсиши, мактабда ўқиши ва ўз ҳаётини ўзи бошқаришига замин бўлади.

Қайта-қайта таъкидланганидек аутизм касаллигини дори-дармон билан даволаб бўлмайди. Аутизмни шу кунгача ўнлаб ўзига хос даволаш усуллари мавжуд бўлиб, бу усуллар билан даволашга тарафдорлар ҳам қаршилар ҳам ҳар доим бўлган. Баъзи даволаш усуллари илмий асосланмаган бўлишига қарамай, амалиётда қўлланилиб келинади. Бироқ, амалиётда қўлланилганда самара бериши исботланган баъзи даво усуллари маълум сабабларга кўра мутахассислар томонидан тавсия қилинмайди ва қўлланилмайди. Баъзан, салбий стигма ва стериотиплар бунга йўл бермайди. Шунга қарамай баъзи ота-оналар бир вақтнинг ўзида бир неча даво усулларини қўллашга уринадилар.

Мутахассислар илмий асосланган терапиядан фойдаланишни тавсия қиладилар. Хулқ-атвор терапиясининг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, бу усуллардан фойдаланишдан аввал айнан шу терапия болага ёрдам берадими, йўқми аниқлаш лозим бўлади:

- амалий хулқ-атвор таҳлилига асосланган интенсив терапия – Applied Behavior Analysis (ABA)
- ўзини тутишнинг уйдаги интенсив дастури -Home-based Intensive Behavioral Treatment (IBT)
- ўзини тутишнинг мактабдаги интенсив дастури – School-based Intensive Behavioral Treatment
- асосий реакция машғулотлари - Pivotal Response Treatment (PRT)
- табиий таълим парадигмаси –Natural Learning Paradigm (NLP)
- хулқ-атворни ижобий қўллаб-қувватлаш – Positive Behavior Support (PBS)
- хулқ-атвор бўйича оғзаки тренинг –Verbal Behavior Therapy
- равонлик бўйича тренинг – Fluency Trainning

Хулқ-атвор терапиясининг юқорида қайд этилган усулларининг ҳар бири ўз ўйналишига эга бўлиб, ўргатишнинг маҳорат турига қараб фарқланади. Масалан, ўзини тутишнинг уйдаги интенсив дастури “табиий ўргатиш” орқали болани тез реакция қилишга ўргатувчи алоқа қобилияти ва равон ўқитиш қўникмаларини яратишга қаратилади.

Бугунги кунда бутун дунёда “Амалий хулқ-атвор таҳлилига асосланган интенсив терапия” (ABA)\*\* болалардаги АСБ ни даволашдаги энг маъқул

усул ҳисобланади. АВА да кўплаб дастур ва жараёнлар ишлаб чиқилган. Бу дастурлар болаларда керакли кўникмаларни ўзлаштиришга ва хулқ-атвор муаммоларини тўғирлашга ёрдам беради. Кўплаб болаларда касалликнинг ҳолати қай даражадалигини аниқлаш ташхиси қийин кечади. АВА терапияси эса аутизмнинг барча кўринишларини даволашда жуда катта самара беради. Бугунги кун мутахассислари аутизм касаллиги бўлган болага 12 йил давомида мунтазам равишда АВА терапия қабул қилишни тавсия қиласидилар. АВА терапияси аутизмни коррекция қила оладиган усул экани илмий жиҳатдан асосланган.

АВА терапия бўйича касаллик аниқланган вақтдан бошлаб узлуксиз уч йил мобайнида ҳафтасига 30-40 соатлик терапевтик машғулот катта ижобий самара беради. Бундай терапия вақтида болалар катталар воситачилигига таяниб, ҳам таълимий, ҳам табиий вазиятларда турли хил ижтимоий, алоқавий, кундалик ва когнитив қобилияtlарини машқ қиласидилар. Аутизм билан касалланган болада нутқ яхши ривожланмаган ёки умуман йўқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда бола логопед ёрдамига муҳтоҷ бўлади. Бироқ, ўз дунёсида ўзи билин ўзи ёлғиз яшайдигин аутист бола ташқи дунё таъсирини, яъни логопедни эшитмайди, унга қулоқ солмайди. Уни қабул қила олмайди. Ҳатто логопед қаршисидаги стулда ҳам ўтирумайди. Гап шундаки, аутист бола логопед сабоқларини олиш учун аввал, уни тушуна олиши, энг оддий ҳатти-харакатларни, сўзларнинг маъносини билиши лозим. Масалан, оддий тил билан тушунтирадиган бўлсак, АВА терапиясини олмаган аутист бола “ўтири” деган сўзни маъносини тушунмайди. У “стул” нима эканини, у нима учун қўлланилишини билмайди. Унинг қўлига қошиқ берилганда, ундан қандай фойдаланишини билолмайди. Соғлом бола уч-тўрт ойлигига унга қўл чўзсангиз, қўтармоқчи эканингизни тушуниб, талпинса, аутист бола ундан нима ҳоҳлаётганингизни англамай, тураверади. АВА терапия усулининг дастлабки уч йиллик босқичининг асоси болани столга ўтиришга ўргатиш, логопедни эшитишига ўргатиш, буюм ва нарсаларнинг, сўзларнинг маъносини, нима мақсадда қўлланилишини ва бу нарсалар нима учун керак эканлигини тушунтириш, англатиш, шу йўл билан логопед машғулоти ва яна бошка зарурий машғулотларни олиб борилишига имконият яратишдан иборатдир. Бу ниҳоятда мashaққатли жараёндир. Зоро, аутист боланинг ҳатти-харакатларидаги муаммолар ҳал бўлмасдан туриб, унинг соғлом одамлардек одатий яшаш ва ишлаш қобилиятини тиклашнинг, таълим олишининг имкони бўлмайди.

АВА терапия хулқ-атвор технологиялари ва ўқитиш услубларига асосланади. У илмий фан сифатида атроф-мухитдаги омилларнинг хулқ-атворга қандай таъсир қилишини ўрганади ва бу омилларни инсон хулқ-атворини ўзгартириш учун монипуляция қиласиди.

АВА услуби дастлаб Лос-Анджелесдаги Калифорния университети доктори Ивар Ловаас (Ivar Lovaas) ва унинг ҳамкаслари томонидан 1963

йилда кўлланилган. Бу услубнинг негизига ҳар қандай ҳаракатнинг бирор натижаси бўлиши тайинлиги ва бу натижа болага ёқса, у бу ҳаракатни қайтариши, ёқмаса қайтармаслиги асос қилиб олинади. Бундай ёндашувда мураккаб кўникмалар - нутқ, ижодий ўйин, кўзга тик қарашни ўрганиш, ва бошқалар - майда-майда бўлакларга бўлинади. Бу бўлакларнинг ҳар бири болага алоҳида-алоҳида ўргатилади. Кейин бу бўлакчалар бир занжирга бирлаштирилади ва мураккаб ҳаракатни келтириб чикаради. Катталар болага босим бермайдилар. Лекин, унинг ҳаракатларини қатъий тартибда назорат қиладилар. Услубнинг асосий қоидаси бу ҳаракатларни автоматизм даражасига етказиш ва хатоларини бартараф этишдан иборат. Ҳатти-ҳаракатларнинг тўлиқ натижасига эришишда маслаҳат, огоҳлантириш ва ра-батлантиришлардан фойдаланилади. Бу кўникмаларни бола қандай муҳитда ва қандай одамлар ичида бўлишидан қатъий назар 80 % ўзлаштирган тақдирда натижа ижобий ҳисобланади. Ўқитиш ҳар бир боланинг ҳолатига қараб индивидуал тарзда олиб борилади. АВА терапия ўқитиш услубининг бир неча юзлаб дастурлари мавжуд: вербалъ ва новербалъ имитация, умумий ва майда моторика, тилни тушуниш, предметларни номма-ном билиш, ҳатти-ҳаракатларни тушиниб, айта олиш; нарса ва предметларни тасниф қила олиш ва бошқалар. Бу йўналишларнинг ҳар бири маълум ёшга мувофиқлаштирилган тарзда, яъни 1 ёшдан 1,5 ёшгача; 1,5 ёшдан 3 ёшгача; мактабгача бўлган ёш ва мактаб ёши; ўсмилик ва балоғат ёшига мослаштирилган тарзда ўқитилади. АВА нинг асл мақсади бола ўзини ўраб турган дунёни мустақил равишда англаб, қабул қила олишига эришишдан иборат ва у бу натижага эришишда “ўргатишнинг аралашув стратегияси” ни қўллайди. Ўқитиш жараёнида бола билан ҳар куни бир вақтнинг ўзида маҳсус йўналиш бўйича бир эмас, бир неча мутахассис бир неча соат давомида шуғилланади (дифектолог, мустерапевт, арт-терапевт, услугуб бўйича мутахассис ва бошқалар). Кунига беш-олти соатлик ўкув дастури яхши натижа беради. Бу жараён уйда, ўкув ташкилотида, маҳсус ташкилотларда, индивидуал ёки груп тарзида олиб борилиши мумкин. Ота-она эса ҳар доим бу машғулотларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Аутизм билан касалланган болалар тарбияси, таълим олиши жараёнида ота-она иштироки, ўрни ва аҳамияти алоҳида тўхталиб ўтилиши лозим бўлган катта масала ва катта мавзудир... Аутизмнинг серқирралилиги унинг барча масалаларини бир мақола доирасида ёритиш имконини бермайди.

Бугунги кунда аутизм билан курашувчи қатор услубий йўналишларнинг муваффақияти маълум жиҳатдан ишнинг молиявий томонлари билан узвий боғлиқ бўлади. Аутизм ташхиси қўйилган болалар билан иш олиб боришни йўлга қўйиш, улар билан мунтазам равишда шуғулланиш ва ижобий натижаларга эришиш катта маблағларни талаб этади. Ривожланган Европа мамлакатларида аутист болаларни ва уларнинг оиласарини қўллаб-куватлаш учун катта маблағлар ажратилади. Статистик маълумотларга кўра, Европада

битта аутист бола учун, давлат унинг ҳаёти давомида 1,4млн. доллардан 2,4 млн. долларгача пул сарфлайди. АҚШ да бу сумма 3,2 млн. долларгача боради. Россияда болаларнинг коррекцияси билан шуғулланувчи мактаблар асосан хусусий йўналишга эга бўлиб, давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ўқитиш жараёнида сарфланадиган маблағни бутунича қоплай олмайди. Бундан ташқари аутизм билан касалланган болалар сонининг қундан кунга ортиб бориши муносабати билан бу йўналишдаги мактабларда ота-оналар ўз фарзандларининг навбати келишини олти ойлаб кутишларига тўғри келади. Бу муаммо ота-оналар форумларидағи энг долзарб масала бўлиб келмоқда. Россиядаги аутизм муаммоларини тарғиб қилиш “Выход” жамғармаси президенти Авдотья Смирнованинг айтишича, АВА усули бўйича олиб бориладиган терапияда ҳар бир бола учун бир ойлик машғулотнинг оғир-енгиллигига қараб, 40-50 минг рубл (550 АҚШ доллари) микдорида маблағ сарф бўлади. Бу маблағ ичига ижарага олинган бино, бинони жиҳозлаш, ўқитувчиларнинг ойлик маоши киритилади, албатта. Ахир, бу ташкилотлар сарфланадиган маблағни осмондан олмайдилар-ку. Отa-оналар ҳам албатта бу ҳисобга ҳеч қандай эътиroz билдиrmайдилар. Улар учун муҳими бу эмас. Отa-она учун боланинг тақдиридан муҳим нарса йўқ. Бироқ, ана шу маблағни топиб бера олмайдиган отa-онанинг аҳволини бир кўз олдингизга келтиринг. Боласининг тузалиб кетишига йўл- йўриқ ва имконият бўла туриб, шу имкониятни яратиб бера олмаган отa-она қандай яшайди? Ўзини-ўзи кечира оладими? Йўқ, албатта. Баъзи отa-оналар маҳсус курсларга қатнаб, АВА терапиянинг услубий йўналишини ўрганиб, ўз фарзандига ўзи ўқитувчилик қилмоқчи ҳам бўладилар. Лекин, шуни унумаслик керак-ки, аутист боланинг табиятини ҳисобга олган ҳолда маҳсус мутахассис назоратининг бўлиши шарт. Акс ҳолда унга ёрдам бераман деб, аксинча катта зарар етказиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Бугунги кунда мамлакатимиз Ўзбекистонда болаларда аутизм касаллиги масаласи ва муаммолари борасида қатор изланишлар олиб борилмоқда. Ҳар йили БМТ томонидан эълон қилинган “Аутизм муаммолари тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тўғрисида” ги Бутунжаҳон куни муентазам равища олиб борилиши, Республика болалар ижтимоий мослашув марказида олиб борилаётган кузатув ва муҳокамалар, ўтказилаётган семинар машғулотлари бу борадаги дастлабки қадамлардан ҳисобланади. Юртимизда аутизм белгилари аниқланган болаларга кўмак кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Сен Ёлғиз Эмассан” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси бу борада қатор ижтимоий лойиҳалар, соғломлаштириш акцияларини амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамкорлигига қатор чора-тадбир дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Аутизм касаллигини даволаш бўйича Ўзбекистонда

биринчи хусусий “Шукрон Таълим” мактаби 2018 йилнинг сентябрь ойида фаолият бошлади. Бу мактаб дастури бугунги кунда бутун дунёда энг самарали деб топилган АВА терапия асосида аутизм билан касалланган болаларга ёрдам қўрсатади. Бироқ, АСБ масаласи ҳали бутунича кўриб чиқилмаган, муаммолари ўз ечимини топиш борасида изланишда бўлган масаладир.

Мамлакатимиз раҳбарияти Ўзбекистонда аутистик спекторида бузилиши бўлган болалар сонининг ортиб бориши ва уларни ўқитиш, тарбиялаш, жамиятга мослаштириш муаммоларига турли ёндашувлар, шунингдек ушбу соҳада замонавий илм-фан юруқлари ва илғор ҳорижий амалиёт асосида ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиш зарурат эканини ва бу масалада барча имкониятлардан унумли фойдаланиш тақазо этилишини таъкидлайди. Шунга қарамасдан АСБ масаласи Ўзбекистон худудида ҳали етарлича эътиборга олинмаётгани, кенг омма орасида бу ҳақда маълумот этишмаслиги, нафақат оммавий билмаслик, балки мутахассисларнинг этишмовчилигининг ўзи алоҳида муаммо бўлиб келмоқда. Аутизм касаллиги ҳали-ҳануз психик касаллик деб ҳисобланиб, у психиатрнинг ўрганиш соҳаси бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда аутизм масалаларига етарлича эътибор берилмасликнинг сабабларидан бири – ушбу патологияни ташхис қилиш ва терапияяда тажрибанинг этишмаслигидир. Ўзбекистонда кўпчилик аутизм ҳақида эшитмаган ҳам. Аутизм касаллиги бор болаларнинг сони ҳақида маълумот йўқ.

- Статистик маълумотлар йўқ, - дейди Тошкентдаги аутист болалар ва катта ёшлилар ҳақида стигмаларга\*\*\* қарши курашувчи мутахассис ва фаол Фарҳод Ортиқбоев. - Республика болалар ижтимоий мослашув маркази рўйхатига 400 аутист бола киритилган, лекин шахсан ўзим аутист фарзанди бор 1000 га яқин оилани биламан. Аслида улар бундан ҳам кўп. Аммо, ота-оналар бу каби фарзандларини беркитиб юрадилар. Энг муҳими, “аутизм” синдромига ташхис қўйиб берадиган мутахассислар йўқ. Улар бармоқ билан санарли, - дейди у.

Юқорида қайд этилган: “...ота-оналар бу каби фарзандларини беркитиб юрадилар...” сатрларнинг нақадар аянчли эканини ҳис қиласлик мумкин эмас. Фарзандининг ҳаммага ўхшамаган, ноанъанавий, гайриоддий ҳолати ота-она ҳаётини буткул ағдар-тўнтар қилган бир маҳалда, атрофдаги одамларнинг, яқинларнинг, қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг муносабати улар дардини янада ошириб, хасратига хасрат қўшади. Ҳаммага ўхшамаган болани қўли билан кўрсатувчилар, устидан кулувчилар, камситувчилар, бефарқлар ва энг аянчлиси жамиятдан сиқиб чиқаришга уринувчилар хар доим топилади. Бироқ, ана шундай “гайриоддий бола” “менинг фарзандим бўлганда-чи?” деган саволни ҳеч ким ўзига беришга журъат этмайди, хаёлига келтиролмайди. Ён-атрофимизда қанчадан-қанча болалар ногиронликка маҳкум

бўлиб яшайдилар. Қанчадан-қанча болалар турли руҳий хасталикларга мубтало бўладилар. Бундай болаларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, оддий болалар ҳаётини яшаб ўтиши эртаклардаги ширин орзу бўлиб қолади. Ана шундай вақтда уларнинг ёнида фақат ота-онаси бирга бўладилар. Афсуски, баъзи ҳолларда ҳаётнинг бундай зарбасига ота-оналар ҳам туриб бера олмайдилар. Ўз зурриёдларини давлат қарамоғидаги меҳрибонлик уйлари, маҳсус ташкилотлар зиммасига юклаб, “ҳаммага ўхшамаган” фарзандларининг мавжудлигини ўз ҳаётларидан ўчириб ташлашга ҳаракат қиласидилар. Бунга кўп ҳолларда юқорида зикр қилинган “атрофдаги” ларнинг муносабати, ола кўз билан қарашлари сабаб бўлади. Биз XXI аср одамларининг олдида турган энг катта муаммоли масала муносабатлар маданиятини ўзлаштириш масаласидир. Инсонларнинг бир-бирларига кўрсатадиган муносабатлари уларнинг юксак инсоний фазилатлар, таълим ва тарбия, юқори кўрсаткичли савия ва маданиятлар мажмуасининг аксидир. Шу нуқтаи назардан ён-атрофимиздаги “ҳаммага ўхшамаган” қавмдошларимизга толеран муносабатда бўлиш, уларни ўзимиздан итариш ўрнига қўллаб-қувватлаш, ёрдам кўрсатиш, далда бўлиш ҳар бир оддий одамнинг инсоният олдидағи энг асосий бурчи эканини унутмаслигимиз даркор. Бу борада аҳоли ўртасида жиддий тушунтириш ишлари олиб бориш, одамларнинг бир-бирларига кўрстадиган муомала маданиятини шакллантириш айни муддаодир.

Аутизм касаллиги билан курашишда тўғри ташхис қўйишга эришиш, малакали мутахассисларга эга бўлиш, ташхис ва даво йўналишига сарф бўладиган маблагни ҳал қилиш кўп нарсани белгилаб беради. Шу билан бирга бу борада яна тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш масаласи ҳам жуда муҳим.

Аутизм касаллиги ҳақида маълумот бериш, кенг жамоатчилик доирасида тушунтириш ишларини олиб боришни йўлга қўйиш қанчалик долзарб бўлса, шунчалик мاشаққатли ҳамдир. Бу борадаги тавсиялар:

а) болалар билан ишловчи муассаса-ташкилотларда тушунтириш ишларини олиб бориш - аутист болалар билан ишлаш йўл-йўриклиаридан сабоқ бериш, янги ўқитиш услубларидан хабардор этиш, илмий ва назарий билимларга таянган малакали ҳодимлар сафини кенгайтиришга эришиш;

б) оила аъзолари ва ота-оналар билан тушунтириш ишлари олиб бориш – уларни фарзанди билан муносабатга киришишга, оддий, соғлом бола билан эмас, балки айнан аутист бола билан яшашга, фарзанди билан баробар ва фарзандининг келажаги учун курашишга, иродали бўлишга ўргатиш, қўллаб-куватлаш, уларнинг ёлғиз эмасликларини хис қилишларига шароит яратиш;

в) маҳалла фаоллари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш – аутист болаларга нисбатан толерант бўлиш муносабатларини шакллантириш;

г) мактабларда – ўқитувчи ва ўқувчилар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш – бағрикенгликка, ҳамдардликка, “ҳаммага ўхшамаган” сафдошларига нисбатан сабрли ва тоқатли бўлишга, уларни қўллаб-куватлашга ўргатиш;

д) аутист бола бўлган маҳалла ва муассасаларда уларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш борасида маслаҳат йиғинлари, тадбирлар ўтказиш. Аутизм тушунчаси ҳақида, унинг ўрганилиш тарихи ҳақида маълумот бериш. Аутизмнинг руҳий касаллик эмас, балки ҳолат эканини, атрофдаги муносабатлар ҳар бир аутист боланинг ўзгариб, соғлом сафдошлари қаторидан жой олишига катта имконият туғдириши мумкинлигини англашиб;

е) аутист бола тарбиялананаётган оиласаларга маҳалла томонидан маънавий кўмак бериш – муносабатларни ўзгартишиб;

ж) аутист болалар рўйхатини ойдинлаштириш ва худудларда ана шундай оиласаларнинг ота-оналар комитетларини ташкил қилишиб;

з) маҳалла, ҳудуд, шаҳар ва вилоятлар бўйича аутист боласи бор бўлган оиласаларнинг моддий ва манавий муаммоларини ҳал қилиш комитетларини ташкил қилишиб ва х.к. лар.

Бу борада матбуот, радио-телевидения, интернет тармоқлари орқали эшиттиришлар, кўрсатувлар, ўзаро мулоқатлар олиб бориш; боғча-мактаб-маҳалла-поликлиника-шифохоналарда доира сухбатларини уюштириш, ота-оналар бурчакларини, “Дунё ва аутизим”, “Болаларда аутизм” каби бурчакларни ташкиллаштириш; стендлар, буклетлар ёрдамида аҳолининг муносабатларини шакллантириш лозим. Бу харакатлар аутизм масаласи юзасидан келиб чиқадиган муаммоларини ҳал қилишдаги асосий вазифалардан биридир.

Айни дамда мамлакатда руҳий синдромларни кенг қамровли тушуниш етишмайди. Илк марта аутизм ташхиси 2010 йилда қўйилган. Бугунги кунда аутизм руҳий касаллик эмас, балки ҳолат эканини англаш вақти етиб келганини тушунишимиз жуда муҳим.

Мамлакатда аутизмнинг кучайиб бораётгани ҳисобга олинган ҳолда баъзи тавсиялар жоиз:

- аутизм касаллигини ўрганиш ва даволаш бўйича ривожланган европа мамлакатлари билан маҳсус тажриба алмашишни йўлга қўйишиб;
- аутизм касаллигини ўрганиш борасида дунё тажрибаларига таянган ҳолда аутизмни ўрганиш ва уни даволашга ихтисослашга илмий-назарий марказлар барпо қилишиб;
- аутизм касаллигини аниқлаш бўйича ташхис мутахассисларини жалб қилишиб ва маҳаллий тайёрлашиб;
- аутизм касаллигини даволаш бўйича малакали мутахассисларни маҳсус тайёрлашиб;

- дунё бўйича илмий жиҳатдан тан олинган АВА терапиясини хусусий ва давлат муассасалари сонини қўпайтириш;
- аутизм билан қасалланган болаларнинг махсус мактабларда коррекцияси учун давлат ташкилотлари томонидан ажратиладиган маблағларни мувофиқлаштириш;
- аутизм билан қасалланган болалар коррекцияси учун чет эл инвостицияларини жалб қилиш;
- аутист болалар коррекцияси учун маҳаллий тидбиркорлар ва бизнесменлар ҳамкорлигига хайрия жамғармасини ташкил қилиш;
- аутист болаларга давлат ва маҳалла жамғармалари томонидан махсус тайинланган ногиронлик нафақаларини жорий этиш кабилар.

Аутизм муаммолари масаласи ҳақида изланар эканман, Донна Уильямснинг \*\*\*\* “Никто нигде” \*\*\*\*\* номли романига дуч келиб қолдим. Асарнинг мухим томони шундаки, унинг автори Донна Уильямс аутист аёл. Балки, қўпчиликнинг хаёлидан “мақолага бадиий асарнинг нима алоқаси бор”, деган фикр ўтар. Бутун дунё аутизмнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, ҳалихануз бу борада бир тўхтамга келинмаганлик, аутизм қасаллигининг давосизлиги, ташхис қўйиш ва ўрганишдаги, ўқитиш ҳамда таълим-тарбия масалаларидағи муаммолари ҳақида бош қотираётган бир вақтда бу нарса бир оз эриш туюлар. Бироқ, биз XXI аср одамларининг кўпроқ рақамларга, аниқ фактларга, қатъий назарияларга, совуққон бўлишга ўрганиб қолганлигимиз, лирик чекинишлардан, ҳис-туйғуларга берилешдан чўчишимиз баъзан бизга кўл келишдан кўра кўпроқ зарар етказиб қўйишини ўйлаб ҳам ўтирумаймиз. Айнан ана шу нуқтаи назардан юқорида тилга олинган асар ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдим. Биз аутизм қасаллиги ҳақида илм-фан амалиётларига, кузатувларга, тажрибаларга суюнган олим ва мутахассислар фикри нуқтаи назаридан қараемиз. Уларнинг кузатувлари орқали аутист боланинг ўзини қандай тутиши, унга нима ёқиши ва нималар ёқмаслиги, нимани ҳоҳлаши, унга қандай муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақида ўқиб-ўрганамиз. Берилган йўлланмалар асосида уларга ёрдам беришга уринамиз. Бироқ, бу йўлланмаларни биз ўзи аутист бўлмаган, унинг даража ва ҳолатларини ўз бошидан кечирмаган соғлом одамлар томонидан қабул қиласиз. Донна Уильямснинг “Никто нигде” асари аутизм соҳасида жуда катта тажриба мактаби бўла олади. Чунки, у бу соҳанинг мутахассиси сифатида эмас, балки айнан ана шу тоифадаги инсон сифатида ўз кечинмаларини қофозга туширган аутист адебалиги билан аҳамиятга эга. Донна ўзининг уч ёш вақтини жуда яхши эслайди. Айнан шу вақтда унинг оила аъзолари ундаги ғалатиликни, гайриоддийликни, ноанъянвийликни сеза бошлиганлар. Асарда аутист қизчанинг дунёқараши, атроф-мухитга, одамларга, ҳатти-ҳаракатларга, воқеа-

ҳодисаларга, вазият ва шароитларга бўлган муносабатлари, дунёни ўзича англаши, кўркувлари, изтироблари, кечинмалари - аутист қизчанинг тилидан ёритилади. Ҳеч кимни тушунмаган, ҳеч ким уни-да, тушунмаган дунёда якка ўзи ёлғиз яшаган қизчанинг кечмишларини ўқиган одам аутист бола ҳаётининг аслида нима эканини, унинг бор бўйи-басти билан, бутун азобу уқубатлари билан, даҳшати ва азиятлари билан тушуниб, ҳис қила бошлиди. Қайсиdir маънода бир қанча муддат унинг дунёсида яшайди. Шу вақтда баъзи олим ва мутахассисларнинг улар ҳақидаги баъзи ҳолатларни нотўғри талқин қилганликларининг, аникроғи бир-бирига мос келмаётганинг гувоҳи бўлади. Масалан, мутахассислар фикрига кўра аутист болалар ёлғизликни ёқтирадилар. Улар кўпчиликка қизиқмайдилар, ҳеч ким билан дўстлашмайдилар. Бу борада мутахассислар ўз кузатувларига, тажриба ва илмий назарияларга суюнадилар, абатта. Бироқ, Доннанинг ёзишича, аутист болалар дўстлашишни жуда истайдилар, улар доимо одамлар орасида бўлишни ёқтирадилар. Доим ўзларига ўртоқ, дўст ахтарадилар. “Мен янги мактабда ўзимга дўст излардим. Ҳар бир ўқувчининг олдига бориб, “мен билан дўст бўласанми?” деб сўрар эдим. Лекин, улар мен билан ўртоқ бўлишдан бош тортар, “телба” деб устимдан кулишар эди. Мен “телба” деган сўзнинг маъносини тушунмас, уларга нимам ёқмаслигини билмас эдим. Охири ўзимга дўст топдим. Юқори синфдаги Кетрин деган қиз мен билан дўстлашишига рози бўлди... дўстлигимиз узоқча бормади. У мени ташлаб кетди. Мени қўрқув босди. Ёлғизликдан жуда кўрқардим. Чунки доим ёлғиз қолганимда “ўша шарпа” мени таъқиб этар эди. Мен кимдир доим ёнимда бўлишини жуда-жуда истардим...” - бу аянчли сатрлардан кўриниб турибди-ки, аутист болалар дўстлашишни истамаганликлари, ёлғизликни ёқтирганликлари учун эмас, балки ҳаммага ўхшамаган бўлганликлари учун, бошқалар уларни қабул қила олмаганликлари учун доим ёлғизликка маҳкум бўлганлар. Мутахассисларнинг фикрича аутист болалар қоронғиликда ёлғиз ўтиришга, уйқусизликка мойил бўладилар. Яна уларнинг айтишича аутист болалар кечаси стол, стул ёки кроват тагиги кириб ўтиришни ёқтирадилар. Дарҳақиқат, кузатувлар шуни кўрсатади-ки, кўпгина аутист болалар кечаси анча маҳалгача ухламайдилар, чироқ ўчириб қўйилганда ҳам кўзларини юммай ўтираверадилар. Доннанинг ўзи ҳақидаги асарини ўқиган китобхон бу масаланинг аччик ҳақиқатини чуқур англайди: “Коронғи тушиши билан онам чироқни ўчириб, эшикни ёпиб чиқиб кетар эди. Мен югуриб бориб эшикни қайта очар ва хонанинг бир бурчагига тиқилиб олардим. Кўзларимни юмишга кўрқардим. Назаримда қоронғиликдан кимдир менга тикилиб тургандек бўлар, кўзимни юмишм билан менга ташланиб, тилка-пора қилиб ташлайдигандек эди, гўё. У менга ёмонлик қилиш ниятида ҳамманинг ухлашини пойлаётганини сезиб турар эдим. Онамнинг уришиб беришидан чўчиб, уни уйқуга кетишини пойлар эдим. Сўнг секин онамнинг хонасига кирадим.

Негадир уни қучоқлашдан қўрқардим. Онамни уйғотиб юбормаслик учун секин сирғалиб, унинг кровати тагига кириб олардим. Қоронғиликдаги анави қўрқинчли нарса бу ерга келса, биринчи галда онамга рўпара бўлишини билар эдим. Лекин, мендаги қўрқув ўтиб кетмас эди. Мен кроват тагида, овозим чиқиб, бошқаларни уйғотиб юбормаслик учун қўлларим билан оғзимни маҳкам тўсиб олардим. Кўзларимдан эса тинмай ёш оқар, йилаб, йифлаб тонг ёришишини кутар эдим. Тонг ёриша бошлагач, секин чиқиб, ўз жойимга бориб ётиб олардим...” Доннанинг автобиографик асарини ўқиб, аутист болада ота-онасига яқинлик бўлмаслигини, у ўз кечинмаларини бошқа соғлом болалар сингари отаси ёки онаси билан ўртоқлашишни билмаслигини англаб, ачинасиз. Аутист болалар ўз ҳаётини ўзлари ёлғиз яшаб ўтадилар. Чунки улар соғлом одамлардек арз қилишни, дардлашишни, хасратлашишни, ёрдам сўрашни, маслаҳат сўрашни, нималарни ҳис қилаётганларини тушунтириб беришни билмайдилар. Асар бошидан охиригача аутист қизчанинг ана шундай ҳар-хил шароит ва ҳолатлардаги кечинмаларини тасвирлаб бериши билан ниҳоятда ноёб топилмадир. Асар оддий, соғлом одамларга аутист одамнинг кечинмалари ва ҳис-туйғуларини туйиш имконини беради. Аутист болаларнинг “соғлом муносабатлар” дунёсида йўқолиб кетган туйғуларининг жозибасини ҳис қилишни ўргатади. Тана, овоз, ритм, турли хил рангдаги доғлар, нақшлар, ҳарфлар, сўзлар, безаклар дунёсининг гирдобларида чўкиб кетган болаларнинг ўзлигини топиш учун уринишларининг турли намоёнликларини кўра билишга ўргатади. Ўз-ўзини топиш мақсадида ўз дунёсини ёриб чиқиб, ўзга одамлар дунёсига “ўз оламининг шартлари” билан кириб борган қизчанинг ҳаёт йўлларини тушунишга ўргатади. Асар аутист болалар билан шуғулланувчи мутахассислар, медиклар, ота-оналар, оила аъзолари, қўни-қўшни ва маҳалла-кўй, умуман аутизм ҳақида озми-кўпми тушунчага эга бўлишга қизиқканлар учун ўқув қўлланма сифатида қўлланилиши жуда мақсадга мувофиқ бўлади. Донна Уильям асари бугунги кунда аутист болалар ҳаётини енгиллатишда, уларни қўллаб-куватлашда ёшлиқдаги қийинчиликларига ечим топган катта ёшдаги аутист одамларнинг тажрибаларидан фойдаланиш яна бир омил эканини исботлайди.

Аутизм ҳақида қанча гапирмайлик у дунё тилсимотлари ичидаги энг сирлиси бўлиб қолаверади. Бироқ, “аутист” маҳкумлик дегани эмас. Юқорида қайд қилинганидек касаллик қанча эрта аниқланса, болани оддий ҳаётга ўргатиб, мослаштириб олиш шунчалик осон кечади. Аутизм турли хил симптомларга эга касаллик бўлиб, тарихда бундай касалликка чалинган даҳолар ўтганининг гувоҳи бўламиз. Баъзи даҳоларда аутизмнинг у ёки бу кўринишлари кузатилганлиги ҳақида тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Албатта бунинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканини айта олмаймиз. Масалан, Альберт Эйнштейн атрофдаги одамлар билан ниҳоятда қийналиб мулоқотга киришган. У мактабда ёмон ўқиган деган маълумот бор. Яна ўз фикрларини етказиб беришга қийналган. Бўлажак олим одамлар билан мулоқот қила

олмаганлиги боис иш топа олмаган. У ўзига кўл теккизишларига чидай олмаган.

Таникли одамлар ичида аутист деб хисобланадиган даҳолар ичида Моцарт ҳам бор. Кўпгина аутистларда бўлгани каби унда мимика етишмовчилиги мавжуд бўлган. Кўл-оёқларнинг стереотип ҳаракатлари мавжуд бўлган. Унинг овозларни эшитиш қобилияти ниҳоятда нозик бўлган ва баланд овозлардан оғриқли таъсир туйган. Унинг кайфияти ниҳоятда ўзгарувчан ва тушунарсиз бўлган. Шунга қарамай у ажойиб бастакор бўлган ва инсониятга асрлар оша яшаб келаётган ўлмас санъат асарларини мерос қилиб қолдирган.

Маълумотларга қараганда Чарльз Дарвинда аутизм бўлган. У доим ёлғизликда вақт ўтказган. У одамлар даврасини ёқтиргаган. Бошқалар билан мулоқатни узокдан туриб, хат орқали амалга оширган. Турли буюм-нарсаларни коллекция қилиш унинг севимли машғулоти бўлган. Стериотип ҳаракатлар Дарвинга хос бўлган. Шундай бўлсада, у ақлли инсон бўлган. Фанда бугунги кунда ҳам у яратган эволюцион таълимтга асосланилади.

АҚШ нинг собиқ президенти Томас Джейферсон ҳам аутизм билан касалланган. У ижтимоий алоқаларга мослашмаган эди. Одамлар билан мулоқат қилиш, аудитория қаршисида нутқ сўзлаш унинг учун ниҳоятда оғир кечган.

Қадимда мутахассислар аутизм билан шуғулланмаганлар. Бу касаллик инсоният тарихига нисбатан жуда ёш. Лекин, ҳозирда унга ташхис қўйиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш мукаммалашиб бормоқда. Ҳозир аутист болалар билан уларнинг жуда ёшлигидан назорат олиб борилади. Терапиянинг замонавий усуллари қўлланилади. Бироқ, аутизм қанча ёш касаллик бўлса, шунча очилмаган, ўрганилмаган ва ҳали кўп изланишларга зарурати бўлган касалликдир. Болалар аутизми ва уни тўғри баҳолаш, аутист болаларга бўлган муносабатларни коррекциялаш, кенг жамоатчилик орасида, болалар орасида аутист болаларга нисбатан толерантликка эришиш йўлидаги муаммоларга ечим топиш - келажагимиз давомчилари бўлган ёш авлоднинг тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан зийраклик ва фидойиликни талаб қиласи.

**Ссылки:**

\*синаптик узатишлар – асаб импульсларининг кўпайиши натижасида келиб чиқадиган снапсларда (нейротрансляция) электр ҳаракати.

\*\*ABA-Applied Behavior Analysis – Амалий ҳатти-ҳаракатларни таҳлил қилиш.

\*\*\*стигма - ижтимоий ёрлиқларни осиб қўйишини англатиши мумкин. Бу жиҳатдан шахсга нисбатан унинг бирор сифатига урғу бериш тушунилади.

\*\*\*\* Донна Уильямс – Австралиялик ёзувчи, композитор, хонанда, скульптор. Ёшлигига врачлар уни бир неча марта эшитиш органларини текширганлар. Унинг эшитиш органларида камчилик бўлмаган, балки жуда кўпчиликка нисбатан жуда яхши эшифтган. Лекин, ота-онасининиг гап-сўзига беътибор бўлган, уларни эшифтмаган. 1991 йилда унга аутизм касаллиги диагнозини қўйганлар.

\*\*\*\*\* “Over The Edge”, London and Philadelphihia. Donna Williams, 1992-1999.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Дети с аутизмом.[Текст] П. Сатмари; пер. с анг. З.Замчук. –Санкт-Петербург: Питер, 2005. -224с.
2. Дети с нарушениями общения: ранний детский аутизм [Текст] учеб. издание/ К.С. Лебединская, О.С. Никольская, Е. Р. Баенская, М.М. Либлинг, Р. К. Ульянова, Т. И. Морозова. – М.: Просвещение, 1989. – 95с.
3. Эмоциональные нарушения в детском возрасте и их коррекция // В.В. Лебединский, О.С. Никольская, Е.Р. Баенская, М.М. Либлинг – М: Московского университета, 1990 – 197с.
4. Психологическая помощь детям с проблемами в развитии [Текст] / И. И. Мамайчук. – Санкт-Петербург: Речь, 2001. – 219с.
5. Аутизм у детей. В. Е. Каган. Россия, издательство: «Смысл», 1981/2020.
6. Аутистические нарушения аффективного контакта. Лео Каннер. Перевод с английского В.Е. Кагана. Даллас, США, 2010. – 33с.
7. О лингвистических аспектах аутизма. Т.Г. Скребцова. УДК 616.89.81'33. Вестник СПбГУ. Сер.16.2016. Вып. 3
8. “Over The Edge” Donna Williams, London and Philadelphia, 1992 and 1999.
9. Leo Kanner, Hans Asperger, and the discovery of autism. S.Baron-Cohen. 2015.
10. Kanner’s infantile autism and Asperger’s syndrome. JMS Pearse. 2005.
11. Norboevna, R. N. (2021). IMPROVING THE MEMBERSHIP SYSTEM IN ECOLOGICAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN. In Archive of Conferences (Vol. 20, No. 1, pp. 97-98).
12. Adilova, A. S. (2021). Corpora and corpus-based teaching Uzbek to foreigners. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding (IJMMU), 8(4), 525-531.
13. Abdurahimovna, A. S. (2021, December). Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi (AQSHdagi ayrim universitetlar misolida). In Conferences.
14. Adilova, S. A. O ‘ZBEK TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O ‘QITISH: TAJRIBA, MUAMMO, ISTIQBOL.
15. Ravshanova, N. N. (2023). Designing Modern Models of Biological Education Theories and Content in Educators. Telematique, 22(01), 3034-3040.
16. Ravshanova, N. N. (2020). THE PRINCIPLE OF CONTINUITY IN ENVIRONMENTAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(6), 369-374.
17. Norboyevna, R. N., & Shukurullaev, A. O. (2024). MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTIDA EKOLOGIK TEATRNI TASHKIL ETISH ORQALI EKOLOGIK KONSEPTUAL ASOSLARINI SHAKLLANTIRISH. Inter education & global study, (7), 158-164.
18. Ravshanova, N. N., & Norqulova, L. S. Q. (2023). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI EKOLOGIK TARBIYALASHDA IJTIMOIY ZARURIYAT SIFATIDA. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(11), 685-692.